# АВСТРАЛИЯ ИТТИФОҚИ ЎЗБЕКЛАРИ: ТАРИХ ВА ТАҚДИР

**Ш.А.ҲАЙИТОВ**

*В статье научно исследованы история национальных объединений узбекского народа живущих в Австралии, их деятельность, отношение наших соотечественников к Узбекистану.*

*In the given article history of national associations of Uzbek folk living in Australia, their activity, attitude of our compatriots to Uzbekistan have been scientifically considered.*

Австралия Иттифоқи Буюк Британия бошчилигидаги ҳамдўстлик таркибига кирувчи федерал давлат бўлиб, майдони 7,682 млн км кв. 6 та штат ва 2 та ҳудуддан иборат, унинг маъмурий бўлинишидаги ерларда 22,4 млн киши истиқомат қилади (2011 йил 8 январь маълумоти). “Кейинги 50 йил давомида аҳоли сони ошди. Аҳоли кўпайишида иммиграция улуши катта бўлди (5 млн киши). Бу даврда Британия ва Ирландиядан келувчилар сони сезиларли даражада камайди (1,8 млн киши), аммо Италия, Югославия, Греция, Германия, Польша каби мамлакатлардан шунингдек, АҚШ, Янги Зеландия, Вьетнам, Ливан ва Малайзиядан келганлар сони кўпайди (2,5 млн киши), бугунги кунда Австралия аҳолисининг қарийб 40 фоизга яқини Австралияда туғилмаган ёки уларнинг ота – онаси (ёки

ота – онасидан бири) бошқа мамлакатларда туғилишган”[1].

Айтиш мумкинки, Австралия муҳожирлар мамлакати бўлиб, бу ерда илк давлатчиликка европалик миллат вакиллари асос солганлар. Австралия қитъасида яшаган 500 қабиладан иборат бўлган 300 минг сонли аборигенлар маҳаллий халқ ҳисобланиб, улар ибтидоий жамият босқичида бўлишган. Улар қитъага 40 минг йиллар илгари Жанубий – Шарқий Осиёдан кўчиб келганлар ва уруғ-қабилачилик муносабатларидан нарига ўтишмаган. Австралия Иттифоқи ҳудудида Европа ва Осиё қитъасидаги турли мамлакатлардан кўчиб келаётган иммигрантлар сафида оз сонли бўлса-да туркистонликлар, яъни Ўрта Осиё миллати вакиллари ҳам бор.

Аввало, Австралия Иттифоқида истиқомат қилаётган ўзбек (туркистонлик) ларнинг сони хусусида фикр-мулоҳазалар билдириб ўтсак.

1990-йилларнинг бошларида даврий матбуотда ва айрим нашрларда Австралия ўзбекларининг сони билан боғлик илк маълумотлар эълон қилинди. “Австралияда 23 та ўзбек хонадони бор. Улар бирга битта шаҳарда яшашади. Ҳаётлари яхши тўқ, эркин”[2] - деб маълумот берганди австралиялик муҳожир ўзбек, математик олим Ҳусанхўжа Аҳмад ўғли. Назаримизда, у ўзи истиқомат қилаётган Мельбрун шаҳридаги ўзбекларни ҳисобга олиб фикр юритган. Матбуот маълумотича: “Австралияда 30 оила, яъни, 250–300 нафар ўзбек бор. Австралия ўзбеклари асосан қитъанинг нуфузли Мельбрун, Сидней, Аделаида каби шаҳарларида истиқомат қилишади”[3]. Республика Марказий Давлат архиви ҳужжатларидан бирида: “Австралияда 300 оиладан ортиқ туркистонликлар истиқомат қилмоқда. Булар ўзбеклар, уйғурлар, қозоқлар, қирғизлар ва татарлардир. Ҳар бирлари ўз жамиятларига эгадирлар”[4] - мазмунидаги маълумот келтирилади.

Австралия Иттифоқи ўзбекларининг сонини аниқ рақамда ифодалаш имконияти чегаралганлигини қуйидаги омиллар орқали изоҳлаш мумкин: биринчидан, муҳожир ўзбеклар хорижда ўзларини ўзбек, туркман, қирғиз, қозоқ деб эмас, балки умумий ном билан (“туркистонлик”) деб таништиришади; иккинчидан, миллатдошларимиз мамлакатнинг янги Жанубий Уэльс, Виктория, Квинсленд, Жанубий Австралия, Тасмания каби штатлари ҳамда шимолий ҳудуд – федерал пойтахт ҳудуди бўйлаб тарқалиб кетганлиги; учинчидан иммигрантлар сонининг доимо ўзгариб туриш жараёни ва ҳоказо. Австралия Иттифоқи ўзбекларининг ижтимоий таркиби хилма хил бўлиб, улар орасида тадбиркор-ишбилармонлар, тижоратчилар (кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар), кичик корхоналарнинг эгалари, олим ва зиёлилар, журналистлар, муҳандис – усталар, оз сонли бўлса-да аграр соҳа мутахассислари бор. Ўзбек миллати вакилларининг “мамлакат – материк” ёхуд “материк – мамлакат”га келиб жойлашиши тарихи ўтган XX асрнинг 80-йилларига бориб тақалади. Архив ҳужжатларида; “Ўзбек миллати вакиллари 1985 – 1986 йилларда Хитой Халқ Республикаси (ХХР) нинг Шинг-жонг мухтор райони (Шарқий Туркистон)дан Австралияга кўчиб ўтдилар. Уларнинг Австралияга келиб ўрнашиши билан муҳожир ўзбекларнинг дунё мамлакатлари бўйлаб тарқалиш босқичлари ҳам интиҳосига етди”[5] - деб қайд этилади. Шарқий Туркистон ўзбек жамоалари кўп сонли бўлиб яшаган минтақалар сирасига киради. Урумчи, Ғулжа, Қошғар, Кучар, Қўрла каби шаҳарлар ва улар атрофидаги аҳоли марказларида минг-минглаб ўзбеклар истиқомат қилишган. Хуллас, 1980-йилларда Шарқий Туркистондаги ўзбек оилаларининг бир қисми Австралия қитъасига кўчиб ўтиши билан муҳожир ўзбекларнинг дунё бўйлаб тарқалишидаги жуғрофий кенглик ниҳоясига етди. Улар Европа, Осиё, Америка ва Африканинг шимолидаги 34 давлатда яшай бошладилар [6]. Австралия ўзбеклари ўзбек тилини ва миллий урф-одатларни сақлаб қолиш, ёш авлод вакиллари ўзбеклигини унутмасликлари мақсадида Ўзбекистон ўзбеклари билан маданий, қавм-қариндошлик алоқаларини ўрнатиш йўлида жамият ва уюшмаларга асос солишган. Бу хайрли ишни амалга ошириш йўлида Жанубий Австралия штати губернаторига ҳамда Жанубий Австралия этник жамиятлар уюшмасига махсус мактуб билан мурожаат қилинган. Шундан сўнг 1991 йил 24 апрелда “Австралия ўзбеклари жамияти” тузилиб, шу йилнинг июль ойида уюшма расман эълон қилинган. Жамиятнинг биринчи раиси Аҳмад Эгамберди, котиби қилиб эса Бахтиёр Ҳасанов сайланган. Жамият қошида уйғур алифбосида болаларга таълим берадиган якшанбалик мактаби иш бошлаган [7].

Кейинчалик жамият ҳузуридаги мактабда Тошкентдан Австралияга келин бўлиб тушган ўзбек қизи (исми Нодира – Ш. Ҳ.) ўқувчиларга ўзбек алифбоси асосида таълимни йўлга қўйган. 1994 – 1995 йилларда “Австралия ўзбеклар жамияти” иккига бўлинган: биринчиси “Австралия – Туркистон жамияти” (Бу жамиятни Аҳмад Эгамберди бошқаради), иккинчиси “Австралия ўзбеклари жамияти” (жамиятни Бахтиёр Ҳасанов бошқаради). Жамиятлар қошида алоҳида-алоҳида мактаблар фаолият олиб бормоқда. 1994 - 1995 ўқув йилида “Австралия Ўзбеклари жамияти” ҳузуридаги мактабда 21 нафар ўқувчи таҳсил олиб, ҳукумат мактаб харажатлари учун ҳар бир ўқувчига уч ойда 36 доллар ажрат-

ган, мактаб ўқув жиҳозлари болаларга текин берилган. Ҳукумат махсус вакиллари орқали ўқувчиларнинг ўзбек тилини қай даражада ўзлаштирганлигини кузатиб боради.

“Австралия ўзбеклари жамияти” билан 1992 – 1998 йилларда юртимизда фаолият юритган ихтисослашган жамоат ташкилоти Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси (ЎзХАМА) ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганди. Ушбу ҳамкорлик доирасида хат, китобот алоқалари, миллий, диний байрамлар туфайли табрикномалар алмашинуви, “Австралиялик ўзбеклар жамияти” манзилига Ўзбекистонда чоп этилган журнал ва газеталар юбориб туриш (айниқса, “Ойдин” ва “Ўзбекистон - контакт” газета ва журнал нусхалари), ўзбек куй ва қўшиқлари ёзилган видео ва аудиокассеталар билан таъминлаб туриш каби иш шакллари юзага келганди. Бироқ, бу алоқалар мунтазам йўлга қўйилмай, ўзаро ҳамкорлик қилишда мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаган.

Австралия ўзбеклари ўзлари яшаётган мамлакатда жунни қайта ишлаш, коммуникация соҳаларида жуда катта тажриба тўплаганлиги боис бу борада ҳамкорлик қилиш таклифлари билан чиқишди, лекин бу таклиф жавобсиз қолган. “Австралия ўзбеклари жамияти” фаол аъзоларидан Бахтиёр Ҳасанов, Хурсандали Дармон, Санжар Дармон, Ҳусанхўжа Аҳмад кабилардир[8] - деб ёзилади архив ҳужжатларида. Юқорида номлари зикр қилинган шахслардан Бахтиёр Ҳасанов 1960 йил Ғулжада (Шарқий Туркистон) таваллуд топган, унинг онаси наманганлик, отаси Тошкентнинг Хастимом маҳалласидан бўлган. 1930 йилларда қатағонлик сиёсати туфайли уларнинг аждодлари Шарқий Туркистонга муҳожир бўлиб кетишган. Б. Ҳасанов ота-онаси билан Ғулжада яшаган, онаси Санобар Бобоева турмушга чиқиб, Тошкентга қайтиб келган. Б. Ҳасанов Хитойда бошланғич, ўрта ва олий маълумот олган, унинг мутахасислиги: пластмассани қайта ишлаш муҳандиси, бироқ ўз соҳасида ишламай, журналистлик касби билан шуғулланган. У 1986 йилда Австралияга кўчиб ўтган ва Австралия Иттифоқи фуқаролигини қабул қилган. “Австралия ўзбеклар жамияти” таъсисчиларидан бири ва ижрочи раисидир.

“Австралияда истиқомат қилиб туриб шуни сездимки, дейди Бахтиёр Ҳасанов – фарзандларимиз, нафақат фарзандларимиз, қолаверса, катталар ҳам ўз она тилимиз, урф-одатларимизни унута бошладилар, бу бизни ташвишга солмай қўймайди. Албатта, биз бир жамият тузиб ўз миллий тилимиз, урф-одатларимизни қайта тиклаш вазифасини кун тартибига мақсад қилиб қўйдик”[9] . Бахтиёр Ҳасанов кабиларнинг саъй-ҳаракати туфайли биз юқоридаги сатрларда таъриф берган “Австралия ўзбеклари жамияти” тузилди. Таъкидлаш жоизки, 1995 йилда БМТ нинг 50 йиллик юбилейи доирасида ўтказилган тадбирда ер юзидан 1000 делегат қатнашди. Улар орасида австралиялик ўзбек Бахтиёр Ҳасанов ҳам таклиф этилади. Бу жуда муҳим тарихий воқеа бўлиб, хориждаги ўзбеклар ўзи яшаётган мамлакатнинг вакили сифатида халқаро анжуманда қатнашиши жуда кам содир бўладиган ҳолатдир. Яна бир австралиялик ўзбеклардан Санжар Дармон бўлиб, у 1995 йилда 21 ёшда бўлган. У “Австралия ўзбеклар жамияти” нинг ёшлар бўлимига раҳбарлик қилган, истиқлол туфайли Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳрида истиқомат қила бошлаган австралиялик ўзбек Хурсандали Дармоннинг ўғлидир. Санжар Дармон тадбиркорлик билан шуғулланиб, 1992 йилда Тошкентда ўтказилган ёш ватандошларнинг анжуманида ҳам иштирок қилганди. У 1995 йилнинг март – апрель ойларида яна Ўзбекистонда бўлди. Хурсандали Дармон ва Санжар Дармонлар “Австралиядаги ўзбеклар жамияти” нинг вакиллик гувоҳномасига эга. Улар орқали Ўзбекистон ўзбеклари билан Австралия Иттифоқи ўзбеклари ўртасида ҳамкорлик алоқалари анча ривожланди. Санжар Дармон Ўзбекистонда ўзбек тилини мукаммал ўрганди. Тошкент шаҳар ҳокимиятига қарашли ошпазликни ўрганиш курсида уч ой ўқиб, ўзбек миллий таомларини тайёрлаш сирларидан сабоқ олди. Санжар Дармон Австралияга қайтиб, бу мамлакатдаги “Ўзбек жамияти” қошида ўзбек миллий таомлари ресторанини очди [10]. Австралия ўзбеклари фаолиятининг турли туман қирраларини очиб берувчи ва юқоридаги каби далилларни кўплаб келтириш мумкин.

Хуллас, 1980-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб “материк” ёки “қитъа”, “материк – эндемик” каби хусусиятлар билан тилга олинадиган Австралия Иттифоқига ўзбек миллати вакилларининг ҳам доимий яшаш учун қадамлари етди. Австралия ўзбеклари “чеккадаги (периферия) ривожланган дунёнинг қолдиғи” сифатида ҳам қайд қилинадиган бу мамлакатда бировдан кам бўлмай, ўз меҳнатсеварликлари, ишбилармонликлари, тадбир ва режа билан иш кўра олишлари туфайли тўқ, фаровон, ўзгаларнинг қўлига қарамай яшамоқдалар. Бу эса ўзбек халқи юксак салоҳият ва потенциалга эга эканлигига исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Биз Австралия ўзбекларига маданий-маърифий жиҳатдан ёрдам беришимиз, уларни ўзбек тилидаги дарслик ва адабиётлар билан таъминлаб туришимиз керак. Муҳожир миллатдошларимиз Ўзбекистондаги қавм-қариндошларини топишида, уларга ўзаро дийдор кўришишларига мадад бермоқ ҳам

хайрли иш бўлар эди. Токим Австралия ўзбекларининг бугунги авлоди ўзбек тилини, ўзбекона миллий урф-одатларини унутмасинлар. Бугун Австралияда таваллуд топаётган авлод ҳам Ўзбекистонга, аждодларининг тили ва маданиятига меҳр-муҳаббат туйғусини туйсин. Уларнинг бошқа миллатларга ҳеч қачон қўшилиб кетмаслигини яратгандан сўраб қоламиз.

**Адабиётлар:**

1. Тошов. Х. Р., Аллаёров И. Ш. Австралия Иттифоқи географияси (Ўқув қўлланма).- Бухоро, 2011. – Б. 15.
2. Ҳусан Аҳмад ўғли. Сиз мустақилмисиз? // Ўзбегим. - Т., 1992. – Б. 186.
3. Австралия ўзбеклари (Ноибахон Азизованинг Одилжон ҳожи Борибоев билан суҳбати) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил 11 июнь; ЎзР МДА, Р – 2822 – фонд; 1 – рўйхат, 89 – ҳужжат, 7 – варақ.
4. ЎзР МДА. М – 2 Фонд, 1 – рўйхат, 115 – ҳужжат, 10 - варақ.
5. Ўз Р МДА. Р – 2822 – фонд, 1 – рўйхат, 88 – ҳужжат, 105 – 106 варақлар; М – 2 – фонд, 1 – рўйхат, 115 – ҳужжат, 10 варақ.
6. Ҳайитов. Ш. А. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. -Т., 2008. – Б. 144.
7. Ўз М РДА: М– 2 – фонд, 1 – рўйхат, 115 – ҳужжат, 10, 11- варақлар.
8.Ўз М РДА: Р – 2822 – фонд, 1 – рўйхат, 88 –ҳужжат, 106 – варақ.
9. Ўз Р МДА; М- 2 – фонд, 1 – рўйхат, 115-ҳужжат, 10 - варақ.
10.Ўз Р МДА: М – 2 – фонд, 1 – рўйхат, 154 – ҳужжат, 3, 5, 6 варақлар.

*Бухоро давлат университети,*
*2012 йил 5 апрелда қабул қилинган*